



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MANKAMASINING QARORI

20 22 yil « 5 » avgust

№ 431

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2022 йил 14 февралдаги ПҚ–128-сон қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги таркибидаги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари негизида Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ташкил этилганлиги;

Вазирлар Маҳкамасининг “Молия вазирлиги ҳузурида давлат молиявий назорати инспекцияси фаолиятини ташкил этиш ҳамда бюджет ташкилотларида молиявий назоратни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 24 мартдаги 129-сон қарорига мувофиқ Инспекция марказий аппаратининг тузилмаси ва ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи:

а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Инспекциянинг мақоми ва унинг фаолиятини ташкил этиш асослари, вазифалари ва функциялари ҳамда ҳуқуқлари ва жавобгарлиги;

Инспекция томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш бўйича бюджет ташкилотлари билан биргаликда тизимли равишда профилактика ишларини олиб бориш;

масофавий назоратни фаол қўллаш ва ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали фаолият самарадорлигини ошириш;

давлат харидларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Инспекция тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, уларни аниқлаш, таҳлил қилиш ва юзага келтирувчи омилларини бартараф этиш;

Инспекциянинг фаолиятига оид маълумотлар ва назорат тадбирлари натижалари юзасидан ҳисоботларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш.

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш ҳамда маблағларини шакллантириш;

Жамғарма маблағлари ҳисобини юритиш ва маблағлардан фойдаланиш мақсадлари;

Жамғарма бўйича даромадлар ва харажатлар сметаларини тузиш ва уларга ўзгартиришлар киритиш;

Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларини моддий рағбатлантириш тартиби;

Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисида ҳисоботлар тайёрлаш ҳамда мақсадли ишлатилишини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 5 августдаги 431-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат молиявий назорати инспекцияси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси (кейинги ўринларда – Инспекция) ва унинг ҳудудий бошқармаларининг мақомини, вазифалари ва функцияларини, ҳуқуқлари ва жавобгарлигини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Инспекция молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими бюджетлари (кейинги ўринларда – бюджет тизими бюджетлари) маблағларининг мақсадли сарфланишини, молиявий назорат объектлари томонидан бюджет қонунчилигига, шунингдек, бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи давлат молиявий назорат органи ҳисобланади.

3. Инспекция ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Бюджет кодекси ва бошқа қонунларга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатларига амал қилади.

4. Инспекциянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган қарорлари давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

5. Инспекция идоравий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарашли ва ўз фаолиятида бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирига бўйсунди ва ҳисобот беради.

Инспекция юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида шахсий ғазна ҳисобварақларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва бланкаларга эга бўлади.

Инспекция ходими лавозимига малака сертификатига эга бўлмаган (молиявий назорат функцияси юклатилмаган лавозимлардан ташқари) шахсларни ишга қабул қилишга ҳамда уларнинг ушбу тизимларда фаолият юритишига йўл қўйилмайди, бундан халқаро сертификатга эга бўлган шахслар мустасно.

6. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат молиявий назорати бошқармалари (кейинги ўринларда – ҳудудий бошқармалар) юридик шахс ҳисобланмайди, ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга ва Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган бланкаларга эга бўлади ҳамда ўз фаолиятида бевосита Инспекцияга бўйсунди ва ҳисобот беради.

7. Инспекциянинг расмий номи:

а) давлат тилида:

тўлиқ номи – O‘zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi, қисқартирилган номи – Davlat moliyaviy nazorati inspeksiyasi;

б) инглиз тилида:

тўлиқ номи – State financial control Inspectorate of the Ministry of Finance of the Republic of Uzbekistan, қисқартирилган номи – State financial control Inspectorate;

в) рус тилида:

тўлиқ номи – Государственная инспекция финансового контроля при Министерстве финансов Республики Узбекистан, қисқартирилган номи – Государственная инспекция финансового контроля.

2-боб. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг вазифалари ва функциялари

8. Қуйидагилар Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг асосий вазифалари ҳисобланади:

бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиш орқали бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланишини назорат қилиш ва ортиқча тўловларнинг олдини олиш;

бюджет қонунчилигига риоя этиш бўйича бюджет ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориш;

бюджет ташкилотларида аниқланаётган пул маблағлари ва моддий бойликларни талон-торож қилиш, камомадларга йўл қўйиш, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда ижро этиш тартибини бузиш ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва улар содир этилиши шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни

қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан фойдаланишда бюджет қонунчилигига ҳамда бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетлари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчови ҳамда амалга оширилган тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

давлат харидларида бюджет буюртмачилари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар, шунингдек, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш;

давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларидан фойдаланишда қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш;

Инспекция тизимида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш.

9. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ўзларига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни бажаради:

а) бюджет ташкилотларида бюджет маблағларини бошқариш ва бюджет ҳисобини юритиш бўйича махсус автоматлаштирилган дастурий маҳсулотлар воситасида бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини доимий мониторинг қилиш орқали бюджет ташкилотларида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўғри ҳисобланишини назорат қилиш ва ортиқча тўловларнинг олдини олиш соҳасида:

харажатлар сметасига киритилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг ҳаққонийлиги ва уларнинг амалдаги нормативларга мувофиқлигини ўрганиш;

меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича белгиланган разрядларга, лавозим маошлари, устамалар, иш ҳақиға кўшимчалар ва бошқа тўловлар миқдорларига риоя этилишини ўрганиш асосида ортиқча тўловларнинг олдини олиш;

ходимларнинг белгилаб қўйилган чекланган умумий сонига, ходимларнинг тоифалари ўртасидаги ўзаро нисбат нормативларига, намунавий штат нормативларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга ошириш;

тарификация рўйхатларини тузишнинг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тартиби ва нормативларига риоя этилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш.

б) бюджет қонунчилигига риоя этиши бўйича бюджет ташкилотлари билан тизимли асосда профилактика ишларини олиб бориш соҳасида:

бюджет тизими бюджетлари харажатларини режалаштириш даврида профилактика ишларини кучайтириш ва унинг самарадорлигини ошириш;

электрон тарзда бюджет тизими бюджетлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармалар маблағларининг ҳаракати тўғрисида тегишли манбалардан олинадиган маълумотларни таҳлил қилиш асосида молиявий ҳуқуқбузарликлар содир этилиши хавфи мавжуд бўлган молиявий назорат объектида профилактика ишларини олиб бориш;

худудий молия органлари ва ғазначилик бўлинмаларида бюджет қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш юзасидан профилактика ишларини олиб бориш;

в) бюджет ташкилотларида аниқланаётган пул маблағлари ва моддий бойликларни талон-тороғ қилиш, камомадларга йўл қўйиш, харажатлар сметаси ва штатлар жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ҳамда ижро этиш тартибини бузиш ва бюджет қонунчилигини бошқача тарзда бузиш ҳолатларини чуқур таҳлил қилиш ва улар содир этилиши шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш соҳасида:

молиявий ҳуқуқбузарликлар профилактикасини олиб бориш учун маълумотлар базасини шакллантириш, умумлаштириш ва ҳисобини юритиш;

бюджет тизими бюджетлари ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги жамғармалар маблағларидан фойдаланишда масофадан кузатиш тизимини ва камерал назоратни жорий этиш орқали текширишлар самарадорлигини ошириш;

молиявий назорат ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси шакллари ҳамда усулларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

г) масофавий назоратни кенг қўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш билан бир вақтда бюджет ташкилотларини текшириш самарадорлигини ошириш соҳасида:

вазирликлар ва идоралар билан реал вақт режимида ахборот алмашинуви орқали бюджет қонунчилигини бузиш хавфини таҳлил қилиш;

“Электрон назоратчи-тафтишчи” дастурий мажмуаси орқали аниқланган хавфларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва ахборот тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

модул асосида давлат молиявий назорати объектининг муайян давр учун айрим масалалар бўйича фаолиятини мавзули назорат қилиш;

бир ҳудуд ёки соҳада аниқланган характерли молиявий хуқуқбузарликлар юзасидан республика ҳудудидаги назорат объектларида тизимли молиявий назоратни амалга ошириш;

молиявий хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон яратувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича молиявий назорат объектларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритиш;

молиявий хуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини таҳлил қилиш асосида уларга йўл қўймаслик юзасидан тегишли таклифлар ишлаб чиқиш.

д) Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланишда бюджет қонунчилигига ҳамда бюджет ва смета-штат интизомига риоя этилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағларидан мақсадли фойдаланилишда бюджет қонунчилигига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари даромадларининг ҳисобланиши ва ўз вақтида ундирилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

ҳисобот йили якуни бўйича жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларнинг бажарилишини якуний назоратдан ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик муассасалари томонидан миллий ва чет эл валютасидаги маблағлардан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет ссудаларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет тизими бюджетларидан субсидиялар ажратилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармаларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

қонунчилик ҳужжатларининг олдинги тафтишда ёки текширишда аниқланган бузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан назорат тартибидаги текширишларни ташкил этиш;

давлат молиявий назорати ҳужжатларини умумлаштириш, улар юзасидан тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

давлат молиявий назорати натижаларида аниқланган хато-камчиликларни бартараф этиш, мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомadini ундириш юзасидан, назорат объекти айбдор шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан тақдимнома ва кўрсатмалар тайёрлаш;

назорат тадбирларини мувофиқлаштириш ва методик жиҳатдан таъминлаш;

маъмурий жавобгарликка олиб келадиган қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳолатлари бўйича ўз ваколати доирасида баённомалар тузиш;

давлат молиявий назорати натижалари бўйича топширилган ҳужжатлар юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қабул қилинган ва суд органлари томонидан чиқарилган қарорлар бўйича бюджет қонунчилиги бузилиши бартараф этилиши мониторингини олиб бориш;

е) бюджет тизими бюджетлари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида назорат ўлчови ҳамда амалга оширилган тўловлар ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қурилиш ишлари учун амалга оширилган тўловларни ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмига мувофиқлиги устидан назоратни амалга ошириш;

“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидан ҳамда замонавий ахборот технологияларидан ва маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда кенг қамровли масофавий (камерал) назорат ва мониторинг олиб бориш;

тегишли электрон ҳужжатларни таҳлил қилиш йўли билан молиялаштирилган маблағ миқдорига мос равишда ҳақиқатда бажарилган қурилиш ҳажми мониторингини олиб бориш;

пудратчининг танланиши ва тендер (танлов) ўтказилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилганлигини ўрганиш;

тегишли мутахассисларни жалб қилган ҳолда объектда бажарилган қурилиш ишлари сифатини ўрганиш;

қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланган пудрат ташкилотлари ҳамда қурилиш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда амалга ошириладиган объектларда буюртмачи ва

пудратчи ташкилотлар ўртасида қурилиш материаллари, машина ва механизмлар, ускуна ва жиҳозлар, ишчиларнинг иш соати ва пудратчининг бошқа харажатлари, объект учун тайёрланган қурилиш материаллари, жиҳозлар ва бошқалар бўйича асословчи ҳужжатларни ҳамда расмийлаштирилган келишув баённомаларини ўрганиш ва нархларини таҳлил қилиш;

қурилиш объектларида ҳақиқатда бажарилган физик иш ҳажмларининг лойиҳа-смета ҳужжатларига, оферта ҳамда бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари асосида назорат ўлчовидан ўтказиш;

назорат ўлчови натижасига кўра пудрат шартномаси асосида лойиҳа-смета ҳужжатларида, офертада ва бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура маълумотномаларида назарда тутилган иш турлари ва ҳажмларининг ҳақиқатда бажарилганлигини иш турлари ва ҳажмлари бўйича таҳлил қилиш;

назорат ўлчови натижасига кўра қурилиш объектида ҳақиқатда бажарилган иш турлари ва ҳажмларида лойиҳа-смета ҳужжатларидан четга чиқиш ҳолатларини таҳлил қилиш;

бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоб-фактура маълумотномалари бўйича қурилиш объектига ўрнатилган асбоб-ускуналарни ҳамда коммуникация соҳасида бажарилган ишларнинг сифати синовдан (лабораториядан) ўтказилганлигини юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш.

ж) давлат харидларида бюджет буюртмачилари томонидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

давлат харидлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

давлат харидлари жараёнида чекловларга амал қилиниши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

электрон дўкон (миллий дўкон) воситасида, бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион воситасида ва энг яхши таклифларни танлаш, тендер ва тўғридан-тўғри тузиладиган шартномалар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари қонунчилигига риоя этилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида тўғридан-тўғри шартнома асосида амалга оширишга рухсат берилган харидлар бўйича шартнома ва шартномага оид қўшимча келишувлар қонунда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш;

давлат харидлари соҳасида бюджет буюртмачиларининг маъмурий жавобгарликка олиб келадиган қонунчилик ҳужжатларини бузиш ҳолатлари бўйича ўз ваколати доирасида баённомалар тузиш.

з) Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар, шунингдек, инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлардан мақсадли фойдаланилиши;

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати остида қарз олувчи-резидентлар томонидан қарз (кредит) бўйича битимларда белгиланган муддатда қарзнинг тўлиқ қопланиши;

Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозлари ҳисобига тушган маблағларнинг мақсадли сарфланиши;

инсонпарварлик ёрдами ва техник кўмаклашиш маблағларидан мақсадли фойдаланилиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш.

и) давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларидан фойдаланишида қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш соҳасида:

давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларидан мақсадли фойдаланилиши;

давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалари даромадларининг ҳисобланиши ва ўз вақтида ундирилишида қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасидан ажратиладиган пенсия маблағлари, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам ҳамда компенсация маблағлари мақсадли сарфланиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши, ўз вақтида тўланиши ҳамда Акциядорлик тижорат Халқ банки ва унинг филиалларида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларидан мақсадли фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа жамғармалар маблағларининг мақсадли сарфланиши юзасидан молиявий назоратни амалга ошириш.

л) ўз ваколатлари доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш соҳасида:

жисмоний ва юридик шахсларнинг, шунингдек, молиявий назорат объектларининг (давлат молиявий назорати натижалари бўйича эътирозлар) мурожаатларини кўриб чиқиш (ўрганиш ва текшириш);

“Давлат аудити” дастурий мажмуаси орқали жисмоний шахс(лар)дан тушган хабар бўйича масофавий ёки қоидабузарликлар содир этилган назорат объектига чиққан ҳолда давлат молиявий назорати тадбирини амалга ошириш;

мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг ва назоратни амалга ошириш, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш;

тушган ва кўриб чиқилган (ўрганилган, текширилган) мурожаатларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва уларнинг натижалари бўйича тегишли чоралар кўриш.

к) *Инспекция тизимида мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш ва бошқа коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш соҳасида:*

ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, тизимда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

тизимда коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш.

3-боб. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ўзларига юклатилган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Инспекцияга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, бошқа ҳужжатларни Молия вазирлигига белгиланган тартибда киритиш;

давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа давлат органларидан ҳамда ўзга ташкилотлардан ўз ваколатларига кирувчи масалалар бўйича материаллар, маълумотлар ва тушунтиришларни сўраб олиш;

Ўзига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун рухсат этилган давлат органлари ва ташкилотларнинг маълумотлар базасидан реал вақт режимида фойдаланиш;

бошқа давлат молиявий назорати органлари, вазирликлар ва идораларнинг ички аудит ва молиявий назорат хизматлари билан ахборот алмашиш;

ғазначилик бўлинмаларидан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларидан бюджет тизими бюджетлари, давлат мақсадли жамғармалари ва белгиланган тартибда ташкил этилган бошқа жамғармалар маблағларининг ҳаракати тўғрисида маълумотларни сўраб олиш;

қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ёзма сўров асосида давлат молиявий назорати соҳасида Инспекцияга юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бюджет ташкилотлари ҳамда бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳақидаги маълумотларни тижорат банкларидан олиш;

Акциядорлик тижорат Халқ банки филиалларидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тушган пенсия бадаллари тўғрисида маълумотларни сўраб олиш;

давлат молиявий назоратини амалга оширишда махсус касбий билимларни талаб этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда бошқа ташкилотларнинг мутахассисларини эксперт сифатида жалб этиш;

бюджет тизими бюджетлари маблағлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки давлат кафолати остида жалб қилинган маблағлар ҳисобидан амалга оширилган қурилиш объектларида қурилиш қиймати 10 млрд сўмгача бўлган объектларда назорат ўлчовини ўтказиш учун белгиланган тартибда назорат ўлчовини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ваколатли ташкилотларни жалб этиш;

назорат объектининг мансабдор ва бошқа масъул шахсларидан молиявий назорат тадбири жараёнида пайдо бўладиган масалалар бўйича тушунтиришлар беришни талаб қилиш;

молиявий-хўжалик фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан зарур ҳолларда назорат объектининг ходимларини таклиф қилиш ва ҳар бир ходим билан алоҳида суҳбат ўтказиш ҳамда тегишли тушунтириш хатларини ёзма тартибда олиш;

зарур ҳолларда, касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар ва бошқа биноларни муҳрлаш, қалбакилаштириш, сохталаштириш ва бошқа суиистеъмолликлар аломатлари аниқланган тақдирда эса - назорат объекти тегишли ҳужжатларини олиб қўйиш, шунингдек, назорат объекти мансабдор шахсларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар хатловдан ўтказилишини талаб қилиш;

давлат молиявий назоратини амалга ошириш жараёнида аниқланган хато ва камчиликларни бартараф этиш, мақсадсиз ва ноқонуний харажатларни, пул маблағлари ва товар-моддий бойликлар камомадини ундириш, назорат объекти айбдор шахсларини жавобгарликка тортиш юзасидан мажбурий тусга эга тақдимнома ва кўрсатмалар киритиш;

Инспекция фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган биноларга хизмат кўрсатиш ишларини бажариш, инвентарь ва хўжалик жиҳозлари, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер техникаси, асбоб-ускуналар, дастурий таъминот ва бошқа товарларни харид қилиш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш.

Инспекция давлат молиявий назоратини ҳар қандай давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда, фақат қонунчилик ҳужжатларига бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари қуйидагиларга мажбур:

ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни сифатли бажариш;

ҳар чоракда камида бир маротаба ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунига қадар оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўз фаолиятига оид ҳисоботларни жамоатчиликка эълон қилиб бориш;

давлат молиявий назорати натижаларига доир ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг ишончлилиги, холислиги ва тўлиқлигини таъминлаш;

давлат сирларининг ҳамда назорат объектларининг қонунчилик билан кўриқланадиган манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

бюджет маблағлари олувчиларнинг консолидациялашган бюджети, шу жумладан, давлат қарзи маблағларидан тўғри фойдаланилиши устидан давлат молиявий назорати тадбирларини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилни белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда амалга ошириш;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан “Давлат аудити” дастурига йиллик назорат режалари (шу жумладан, уларга киритиладиган ўзгартиришлар)нинг киритилишини, барча назорат тадбирлари рўйхатдан ўтказилишини, электрон рўйхатга олиш дафтарида қайд этилишини ва уларнинг натижалари ҳақида ахборот киритилишини таъминлаш;

ҳудудий бошқармалар томонидан давлат молиявий назорати объектларида тизимли равишда давом этаётган ва кўп миқдорда ёки жуда

кўп миқдорда аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида Инспекцияни хабардор қилиш.

Инспекциянинг мансабдор шахслари лавозим мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорлик юзага келганлиги тўғрисида Инспекция бошлиғига маълум қилиши, шунингдек, бундай тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш чораларини кўриши шарт.

12. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг мансабдор шахсларига ушбу Низомда белгиланмаган вазифаларни топшириш қатъиян тақиқланади.

4-боб. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятини ташкил этиш

13. Инспекцияга Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Инспекция бошлиғи тиббий хизмат, транспорт ва моддий таъминоти бўйича молия вазири ўринбосарига тенглаштирилади.

Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

14. Инспекция ходимлари, ҳудудий бошқармаларнинг бошлиқлари, уларнинг ўринбосарлари ва ходимлари Инспекция бошлиғининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

Инспекциянинг техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари белгиланган тартибда Инспекция бошлиғи томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

15. Инспекция бошлиғи:

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади;

ҳудудий бошқармалар билан биргаликда Инспекцияга юклатилган вазифа ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлайди;

қонунчилик ҳужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари ижросини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 10 февралдаги ПФ–6166-сон Фармонининг талабларига қатъий риоя этади;

Инспекция фаолияти доирасида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича комплекс амалий чора-тадбирларни амалга ошириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ва топшириқлари самарали ва натижали ижро этилиши, шунингдек ижро интизомини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиларининг, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг комплекслари, давлат бошқаруви органлари ва хўжалик бирлашмалари ҳамда барча даражалардаги ҳокимликлар раҳбарларининг шахсий жавобгарлиги тўғрисида” 2017 йил 11 апрелдаги ПҚ–2881-сон, “Ijro.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 31 майдаги ПҚ–5132-сон қарорларига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ топшириқларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун таркибий бўлинмалар, шунингдек, ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чораларини кўради;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларига қатъий риоя этилишини таъминлайди;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ Инспекция тизимида коррупция ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳуқуқ амалиёти ва қонунчиликни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларни аниқлайди, таҳлил қилади, уларни юзага келтирувчи сабаблар ва шартларни бартараф этади;

ҳудудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

ходимларни меҳнат муносабатларига оид (ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш бундан мустасно) буйруқлар, шу жумладан, хизмат сафарларига юбориш тўғрисида буйруқлар чиқаради;

давлат молиявий назорати натижалари юзасидан назорат объекти учун кўрсатмаларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси молия вазирига Инспекцияга ходимларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш ва бошқа ишга ўтказиш юзасидан таклифлар киритади;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари молиявий назорат соҳасида қайта тайёрланишини ва малакаси оширилишини ташкил этади;

Инспекцияга ва унинг худудий бошқармаларига юкланган вазифаларни бажаришда бошқа вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни ташкил қилади;

Инспекция ходимлари ҳамда Инспекция худудий бошқармалари бошлиқлари ва ўринбосарлари, ходимларининг функционал вазифаларини белгилайди;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари ва Инспекция худудий бошқармалари бошлиқларини рағбатлантириш ва уларга интизомий жазолар қўллаш бўйича молия вазирига тақдимнома киритади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Инспекция ходимлари ҳамда Инспекция худудий бошқармалари ходимларини рағбатлантиради ва уларга интизомий жазолар қўллайди.

Инспекция бошлиғи унга юклатилган вазифалар ва функциялар бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

Инспекция бошлиғининг биринчи ўринбосари:

Инспекция бошлиғи вақтинча бўлмаганда, унинг вазифаларини бажаради;

ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва бажарилишини назорат қиладди;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан иш режалари ишлаб чиқилишини ва тасдиқланган режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш чораларини кўради;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомига риоя қилинишини таъминлайди, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чоратadbирларини кўради;

Молия вазиригининг ўз фаолиятига тааллуқли топшириқлари, Инспекция буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қиладди;

ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритади;

Инспекция фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқишда иштирок этади;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан лавозим мажбуриятларини бажариш чоғида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди ва манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш чораларини кўради.

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қиладди.

Инспекция бошлиғи ўринбосари:

Ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилишини таъминлайди;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва бажарилишини назорат қиладди;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар томонидан иш режалари ишлаб чиқирилишини ва тасдиқланган режа кўрсаткичларининг бажарилишини таъминлаш чораларини кўради;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар фаолиятида ижро интизомига риоя қилинишини таъминлайди, шунингдек, таркибий бўлинмалар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирларини кўради;

Молия вазирлигининг ўз фаолиятига тааллуқли топшириқлари, Инспекция буйруқлари ва топшириқларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равишда танқидий таҳлил қиладди;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича Инспекция бошлиғига таклифлар киритади;

Инспекция фаолиятига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқишда иштирок этади;

Ўзи мутасаддилик қиладиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимлари томонидан лавозим мажбуриятларини бажариш чоғида одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди ва манфаатлар тўқнашуви юзага келишининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш чораларини кўради.

давлат сирига киритилган маълумотлар ва махфий ахборот билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қиладди.

16. Худудий бошқармалар бошлиқлари ўзининг ваколати доирасида:

хатлар, шунингдек, давлат молиявий назорати натижалари юзасидан назорат объекти учун кўрсатмаларни;

режа асосида ўтказиладиган молиявий назоратни ўтказиш ҳуқуқини берувчи буйруқларни;

Инспекциянинг рухсати билан режадан ташқари молиявий назорат тадбирларни ўтказиш тўғрисидаги буйруқларни;

тегишли ҳудуд доирасида ходимларни хизмат сафарига юбориш тўғрисидаги буйруқларни имзолайди;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ Инспекция бошлиғига ҳудудий бошқармаларнинг ходимларини рағбатлантириш ва уларга интизомий жазолар қўллаш бўйича таклифлар киритади.

Ҳудудий бошқармалар бошлиқлари уларга юклатилган вазифалар ва функциялар бажарилиши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади.

17. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари молиявий назорат фаолиятини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси молия вазири ва Инспекция бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик назорат режаси асосида амалга оширади.

18. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда режадан ташқари молиявий назоратни амалга ошириши мумкин.

19. Молиявий назорат тадбири ўтказиш билан банд бўлган Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларини бир вақтнинг ўзида бошқа молиявий назорат тадбири ўтказилишига жалб этиш қатъиян тақиқланади.

Мансабдор шахслар бир назорат объектида кетма-кет тафтиш ўтказиш учун тайинланишига йўл қўйилмайди.

Инспекциянинг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг Масофавий назоратни амалга ошириш ва хавфларни баҳолаш бўлими ҳамда Ахборот технологиялари ва маълумотлар базасини шакллантириш шуъбаси мутахассисларини назорат объектларида молиявий назорат тадбирлари ўтказиш учун жалб этиш тақиқланади.

Бир молиявий назорат объектида молиявий назорат тадбирлари натижасида аниқланган молиявий қонунчилик бузилиши ҳолатлари бўйича мазкур молиявий назорат объектида аввалги молиявий назорат тадбирлари даврига мос келадиган қонунчилик бузилиши ҳолатларига дастлабки молиявий назорат тадбирларини ўтказган мансабдор шахс жавобгар ҳисобланади.

Инспекциянинг ва унинг ҳудудий бошқармаларининг молиявий назорат функцияси юклатилган ходимлари назорат объектларида тузилган рўйхат асосида олиб қўйилган ҳужжатлар сақланишини таъминлаш ҳамда зарурат бўлганда кассани, касса хоналарини ва хизмат хоналарини, омборларни ҳамда архивларни муҳрлаш (тамғалаш) учун махсус муҳрга эга бўлади.

20. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари (молиявий назорат функцияси юклатилмаган ходимлар бундан мустасно) аттестацияси ҳар уч йилда ўтказилади.

5-боб. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг иш ҳақи ва уларни моддий рағбатлантириш

21. Инспекция моддий-техника таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, Ўзбекистон Республикаси молия тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси, Инспекцияни ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси маблағлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

Инспекциянинг бошқарув ходимлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш ва тиббий хизмат шароитлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли ходимларига тенглаштирилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

22. Молиявий назорат объектларининг мансабдор шахслари Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан давлат молиявий назоратини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишга мажбурдирлар.

23. Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг фаолиятига ноқонуний аралashiш ёки тўсқинлик қилиш, нотўғри маълумотни тақдим этиш ёки тақдим этишдан бўйин товлаш, шунингдек, Инспекциянинг мансабдор шахсларини Инспекцияга қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилмаган вазифаларни бажаришга мажбурлаш ҳамда уларга ҳар қандай шаклда таъсир кўрсатиш тақиқланади ва қонунчиликда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

24. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

25. Мазкур Низомнинг 5-банди учинчи хатбошиси 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб кучга киради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 5 августдаги 431-сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Давлат молиявий назорати инспекциясини
ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий
рағбатлантириш жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини (кейинги ўринларда – Инспекция) ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармасини (кейинги ўринларда – Жамғарма) ташкил этиш, Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

2. Жамғарма маблағлари қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларда ўтказилган назорат тадбирлари (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорларига асосан ўтказиладиган назорат тадбирлари билан бирга) натижалари бўйича Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бюджет, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари даромадига ундирилган растраталар, талон-тороғ, камомад, пеня ва жарималар ҳамда ноқонуний харажатлар суммаларининг 8 фоизи;

ўтказилган назорат тадбирларида Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан товар (иш, хизмат) етказиб берувчи ташкилот томонидан шартнома шартларини бажармаганлик учун ҳисобланиб, белгиланган тартибда ундирилган жарима (пеня) суммаларининг 10 фоизи;

ўтказилган назорат тадбирларида Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан аниқланган ҳақиқатда бажарилмаган ва ҳисоботга қўшиб ёзилган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича аниқланган ва суд қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадига ундирилган сумманинг 10 фоизи;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ходимлари томонидан бюджет ва смета-штат интизомини бузиш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённомаларга асосан ундирилган жарима суммасининг 40 фоизи;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ходимлари томонидан Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённомаларга асосан ундирилган жарима суммасининг 100 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан Инспекция жамғармасига ўтказиб берилган молиявий ёрдам маблағлари;

Жамғарманинг вақтинчалик бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозитга қўйишдан олинган фоиз тарзидаги даромадлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Давлат молиявий назорати органлари билан ҳамкорликда ўтказилган назорат тадбирларида Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан аниқланган ноқонуний харажатлар, талон-торож, растраталар, камомадлар, шартнома шартларини бажармаганлик учун ҳисобланиб, белгиланган тартибда ундирилган жарима (пеня) суммалари ва қўшиб ёзилган бажарилмаган ва сифатсиз бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари суммалари бўйича тикланган ёки ундирилган маблағларнинг тегишли қисми мазкур Низомнинг 2-банди иккинчи-тўртинчи хатбошиларида белгиланган тартибда Жамғармага ундирилади.

3. Жамғармага тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида очилган махсус шахсий ҳисобварақда жамланади.

3-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланиш

4. Тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасидан ортиқча ҳақиқий тушумларни харажат қилиш сметаларга тегишли ўзгартиришлар киритилгандан сўнг амалга оширилади.

5. Инспекция раҳбари, у бўлмаган тақдирда эса – унинг биринчи ўринбосари Жамғарма маблағларини бошқарувчи ҳисобланади.

6. Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

а) Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларини моддий рағбатлантириш учун:

ходимларнинг функционал вазифаларини бажариши, билим даражаси, касбий қобилиятларини инобатга олган ҳолда Жамғарма маблағларини тасарруф этувчи ваколат берган орган (Инспекция раҳбари томонидан белгиланган тартибда ташкил этилган Комиссия) томонидан лавозим маошининг 200 фоизи (қурилиш объектларида назорат ўлчовини ўтказишга масъул ходимларга лавозим маошининг 300 фоизи) миқдоридан кўп бўлмаган миқдорларда ходимларнинг ойлик лавозим маошларига (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) белгиланадиган шахсий устамаларни тўлашга;

молиявий назорат тадбирлари (иштирок этган ходимларга) натижаси бўйича аниқланиб, ундирилган қонунбузилишлар суммаларининг Жамғармага тушган қисмининг 10 фоизи, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 15 баробаридан кўп бўлмаган миқдорида мукофотлашга;

Инспекция раҳбарига Ўзбекистон Республикаси молия вазири томонидан белгиланадиган лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 200 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда ҳар ойлик устамаларни тўлашга;

ўта муҳим ва тезкор ишларни бажарганлиги, давлат молиявий назорати натижалари бўйича юқори кўрсаткичларга эришганлиги, тизимли молиявий қонун бузилишининг олдини олиш юзасидан дастурий мажмуаларни такомиллаштириш бўйича таклифлари қабул қилинганлиги ҳамда Инспекция фаолиятида фаол иштирок этганлиги учун ходимни лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) 200 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган миқдорда мукофотлашга;

ходимларнинг меҳнат таътил пулини, шунингдек, фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун пуллик компенсация пулининг тегишли қисмини тўлашга;

б) қуйидаги ҳолатларда ходимларни бир йўла рағбатлантириш учун:

байрам кунларида (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддасига мувофиқ), шунингдек, чорак якуни муносабати билан лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) бир баравари миқдоригача мукофотлашга;

в) Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда уй-жой билан таъминланмаган Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларига амалдаги сарф-харажатлар доирасида уй-жойни ижарага бериш шартномасига мувофиқ уй-жойларни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 7 бараваридан ошмаган миқдорда ҳар ойлик компенсация тўлашга;

жамоат транспортдан (маршрут ва йўналишли таксилардан ташқари) фойдаланиш харажатларини қисман қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорида компенсация тўлашга;

ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларнинг меҳнати самарадорлигини ошириш мақсадида ҳар ойда овқатланиш харажатларини қисман қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробари миқдорида компенсация тўлашга;

алоҳида заруратга кўра, йилда бир марта (ходимлар 50 ва 60 ёшга тўлган юбилей саналарида, бахтсиз ходиса, оғир касаллиги сабабли даволаниш, соғлиғини тиклаш, оиланинг кам таъминланганлиги

ва молиявий ҳолатининг оғирлиги) лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) икки баробари миқдорида моддий ёрдам беришга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиб олиш учун йилда бир марта (қоида тариқасида куз ойларида) меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг саккиз бараваригача миқдорида моддий ёрдам пули беришга;

ходим ёки унинг фарзандлари никоҳдан ўтиши муносабати билан лавозим маошининг (рағбатлантириш коэффициентини инобатга олган ҳолда) икки баробари миқдоригача моддий ёрдам беришга;

ходим ёки яқин қариндоши (ота-онаси, турмуш ўртоғи, фарзанди) вафот этганда – вафоти тўғрисида гувоҳнома нусхаси тақдим этилганда меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг тўрт ярим баробари миқдорида моддий ёрдам беришга;

ходимларнинг меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва меҳнатини муҳофаза қилишга;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шу жумладан, ходимларнинг хорижий мамлакатларда ва таълим муассасаларида тажриба ўрганишларини ташкил этишга;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзоларини маданий ҳордиқ олишларини ташкил этиш учун ҳар йили икки мартагача маданий ва спорт тадбирларини молиялаштириш, ходимларнинг санаторийларда дам олишини ташкил этиш учун белгиланган тартибда маблағлар ажратишга;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг олий таълим тизимида ўқиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш даври учун ўртача ойлик иш ҳақи тўлашга;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимларининг иш вақтидан ташқари ишлари ҳамда дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлари учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча ҳақ тўлашга;

байрамлар ҳамда маданий ва спорт тадбирларини ўтказиш, шунингдек, спорт тадбирларида қатнашувчи Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари учун спорт кийимлари ва зарур спорт анжомларини сотиб олиш харажатларига;

г) Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари моддий-техника базасини ривожлантириш учун:

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари бино ва иншоотларини мукамал ва жорий таъмирлаш, қўшимча объектларни (маъмурий бинолар ва бошқа объектлар) куриш, реконструкция қилиш, сотиб олиш, ижара ҳамда объектларни сақлаш харажатларига;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари иш фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ маъмурий ва хўжалик сарф-харажатларини

(коммунал хизматлар ва бошқа харажатлар, сафар харажатлари, автотранспортларнинг ижара харажатларини) қоплашга;

ахборот-коммуникация технологияларини такомиллаштириш, инновацион ва илғор технологияларни жорий этиш, алоқа воситалари, ҳисоблаш техникаси, компьютер ва ташкилий техникани сотиб олиш, таъмирлаш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва улардан фойдаланиш, дастурий таъминот воситалари харид қилиш ва хизмат кўрсатишга;

бюджет-солиқ сиёсатига доир ўқув ва методик қўлланмалар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини чоп этириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари тўпламларини сотиб олишга;

Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолияти учун инвентарлар ва хўжалик жиҳозлари, автотранспорт воситалари, эҳтиёт қисмлар ва бошқаларни сотиб олиш, шунингдек, уларни жорий ва мукамал таъмирлашга;

конференция, симпозиум, семинар, тренинг, йиғилиш, учрашув, байрам, маданий ва спорт тадбирларини ташкил қилиш ҳамда ўтказишга;

д) Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг идоравий харажатлари учун:

хорижий делегацияларни кутиб олиш ва кузатиш билан боғлиқ бўлган вакиллик харажатлари учун (меҳмонларни кутиб олиш ва кузатиш, меҳмонхона, транспорт, таржимонларни ёллаш харажатлари ҳамда эсдалик совғаларини харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқалар);

Инспекция ходимларининг хорижий давлатларга амалга оширадиган хизмат сафарлари харажатлари, хизмат сафари давридаги вакиллик харажатларига (расмий қабуллар билан боғлиқ харажатларга, таржимонларни ёллаш харажатларига ҳамда базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик баробаригача миқдорида эсдалик совғаларини харид қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ва бошқаларга);

иқтисодий, маънавий ва маърифий соҳаларга оид маъруза қилувчи мутахассислар, Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари фаолиятига жалб этилган бошқа давлат органлари ва ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ташкилотларнинг экспертлари ва мутахассисларининг шартнома асосида меҳнатига қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳақ тўланишига;

кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш (шу жумладан, хорижий давлатларда) ҳамда Инспекция ходимларининг чет эл хизмат сафарларига бориши, шунингдек, хорижий давлатларда тажрибасини ошириши билан боғлиқ харажатларни қоплашга;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молия тизими ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ривожлантириш жамғармасига зарур ҳолларда маблағ ажратишга;

е) қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларга.

7. Жамғарма маблағлари ҳисобидан моддий рағбатлантириш харажатлари Инспекция раҳбарининг буйруғига мувофиқ амалга оширилади.

8. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмай қолган маблағлари кейинги молия йилига ўтказилади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларига олиб қўйилмайди.

4-боб. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш

9. Жамғарма тушумларининг прогноз кўрсаткичлари йил бошида кутилаётган Жамғармадаги қолдиқ маблағлар ҳамда молия йили давомида тушадиган тушумлардан келиб чиқиб жорий йилдаги прогноз кўрсаткичлари белгиланади.

10. Жамғарма маблағлари бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси амалдаги қонунчиликка мувофиқ ушбу Жамғармадан молиялаштирилиши мумкин бўлган харажатлар бўйича эҳтиёждан келиб чиқиб, бюджет таснифига асосан Инспекция томонидан ҳисоб-китоб қилинади.

11. Жамғарма бўйича даромадлар ва харажатлар сметаси ҳамда Жамғарма маблағлари ҳисобидан Инспекциянинг қўшимча штат бирликлари жадвали Инспекция томонидан тасдиқланиб, Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилади.

12. Давлат бюджети таснифига асосан Жамғарма сметасининг даромад ҳамда харажатлар қисми гуруҳлар бўйича моддаларга бўлинган ҳолда тузилади ва Инспекция раҳбарияти томонидан тасдиқланиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

13. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини рўйхатдан ўтказиш амалдаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

14. Жамғарма бўйича даромадлар ва харажатлар сметасига тегишли ўзгартиришлар киритиш Инспекция томонидан амалга оширилади. Бунда тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметасига қўшимча маблағ талаб этилганда, унга ўзгартиришлар тушумларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиққан ҳолда Инспекция томонидан амалга оширилади ҳамда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

5-боб. Жамғарманинг ҳисоботи ва назорати

15. Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги ҳисоботлар белгиланган тартибда ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

16. Жамғарма маблағларининг шакллантирилиши ва мақсадли фойдаланилиши бўйича Инспекция раҳбари масъул ҳисобланади.

17. Жамғарма маблағларининг мақсадли ишлатилиши юзасидан назорат қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6-боб. Яқунловчи қоида

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 5 августдаги 431-сон қарорига
3-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 июлдаги 275-сон қарори билан (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 7-сон, 23-модда) тасдиқланган Спирт ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишга оид низомининг VIII бўлими қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“VIII. Спирт ва алкогольли маҳсулотларни ишлаб чиқариш, идишларга қуйиш, сақлаш ва улгуржи сотишни ҳисобга олишни назорат қилиш

28. Солиқ органлари:

акциз солиғининг тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланиши;

алкоголь маҳсулотларининг (табiiй ва кўпикланадиган винодан ташқари) акциз маркалари ва мувофиқлик белгилари билан тўғри маркировка қилиниши;

алкоголь маҳсулотларини белгиланган тартибда идентификация воситалари ёрдамида маркировкалаш ва келгусида кузатиш талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

29. Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги:

хомашё, материаллар сарфи ва тайёр маҳсулот чиқиши нормативларига риоя қилиниши;

спирт ва вино-ароқ маҳсулотларини амалда ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш ва уларни сотиш ҳажмларининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларига мувофиқлиги;

спирт ва алкогольли маҳсулотларни сақлаш ва бериш (сотиш) талабларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширадилар”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 9-сон, 51-модда) билан тасдиқланган Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) тартибининг 35-банди биринчи хатбошисидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси, унинг ҳудудий органлари” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Қишлоқни лизинг шартларида қишлоқ хўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2000 йил 2 ноябрдаги 424-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 11-сон, 70-модда) 6-бандининг тўртинчи хатбошисидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 24 октябрдаги 419-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 56-модда) билан тасдиқланган Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси даромад (фойда)ларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 9-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги 264-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 6-сон, 53-модда) билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган марказлари даромадларини шакллантиришнинг асосий манбалари ва улар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисида низомнинг 23-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 12-сон, 110-модда) билан тасдиқланган Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандидаги “Молия вазирлигининг назорат-тафтиш органлари” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 2-3-сон, 15-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги тўғрисидаги низомнинг 11-банди учинчи хатбошисидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига ва унинг ҳудудий бўлинмаларига” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармаларига” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисидаги низомнинг 22-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 8 апрелдаги 102-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й., 4-сон, 26-модда) билан тасдиқланган Давлат мулкни ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 38-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги 30-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 2-сон, 11-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 40-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий органлари” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига маблағлар ажратишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) 1-иловада:

а) 11-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

11.	Молия вазирлиги	Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларда ҳудудий молия органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижалари бўйича бюджет, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари даромадига ундирилган растраталар, талон-тороғ, камомад, пеня ва жарималар ҳамда ноқонуний харажатлар суммалари	8
		Акцияларнинг давлат улушидан дивидендлар ўз вақтида бюджетга ўтказилмаганлиги учун жарималар суммаси	
		Хизматлар кўрсатилганлиги учун божхона йиғимлари ва тўловлари кўринишида келиб тушган тушумлар	2,5
		Бюджет сўровини, рўйхатдан ўтказиш учун харажатлар сметаларини ва штат жадвалларини, шунингдек молиявий ҳисоботни ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш тартибини бузганлик учун Молия вазирлигининг ва ҳудудий молия органларининг мансабдор шахслари томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённома асосан ундириладиган жарималар суммаси	100
		Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ходимлари томонидан бюджет ва смета-штат интизомини бузиш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённомаларга асосан ундирилган жарима суммалари	60

		Тайёрлов ташкилотларининг фоизсиз қарз ажратиш тўғрисида тузилган шартномаларга мувофиқ Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармасининг мақсадли маблағларини қайтариш билан боғлиқ ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишли равишда бажармаганлиги учун жарималар ва пенялар суммаси	100
--	--	--	-----

б) қуйидаги мазмундаги 42 ва 43-позициялар билан тўлдирилсин:

42.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясини ижтимоий ривожлантириш ва ходимларни моддий рағбатлантириш жамғармаси	Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларда ўтказилган назорат тадбирлари (хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қарорларига ўтказиладиган назорат тадбирлари билан бирга) натижалари бўйича Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан бюджет, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари даромадига ундирилган растраталар, талон-торож, камомад, пеня ва жарималар ҳамда ноқонуний харажатлар суммалари	8
		Ўтказилган назорат тадбирида товар (иш, хизмат) етказиб берувчи ташкилот томонидан шартнома шартларини бажармаганлик учун ҳисобланиб, ундирилган жарима (пеня) суммалари	10
		Ўтказилган назорат тадбирларида Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармалари ходимлари томонидан аниқланган ҳақиқатда бажарилмаган ва ҳисоботга кўшиб ёзилган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича аниқланган ва суд қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари даромадига ундирилган суммалари	10
		Инспекция ва унинг ҳудудий бошқармаларининг ходимлари томонидан бюджет ва смета-штат интизомини бузиш бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида тузилган баённомаларга асосан ундирилган жарима суммалари	40
		Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жарималар суммаси	100
43.	Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси	Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларда ўтказилган назорат тадбирлари натижалари бўйича Ҳисоб палатаси томонидан бюджет, давлат мақсадли ва бошқа жамғармалари даромадига ундирилган растраталар, талон-торож, камомад, пеня ва жарималар ҳамда ноқонуний харажатлар суммалари	8
44.	Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	Санитария-эпидемиология қонунчилигини бузганлик учун қўлланилган жарималар ва жарималарни тўлаш кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағлар.	50
		Назорат тадбирлари бошқа давлат органлари билан биргаликда амалга оширилганда, жарима ҳамда жарималарни тўлаш кечиктирилганлиги учун ҳисобланган пенялардан тушган маблағлар	25

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Республиканинг олий таълим муассасаларини молиялаштириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2010 йил 16 августдаги 178-сон қарорининг 5-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 9-сон, 75-модда) билан тасдиқланган Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 203-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 апрелдаги 106-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 4-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 мартдаги 53-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 22-модда) билан тасдиқланган Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 43-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 августдаги 227-сон қарори билан тасдиқланган Бюджет ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг хайрия эҳсонлари шаклидаги маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 12-банддаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясига ёки унинг ҳудудий бошқармаларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 13-банднинг биринчи хатбошисидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 февралдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 2-сон, 60-модда) билан тасдиқланган Аҳоли пунктларида давлат капитал қўйилмалари ҳисобига молиялаштириладиган ичимлик сув таъминоти ва оқова сув хизмати

объектларини куриш ва реконструкция қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 21-банддаги “Молия вазирлигининг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармасининг” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 23-банднинг иккинчи хатбошисидagi “Молия вазирлигининг ҳудудий Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 25-банддаги “Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат мулкидан самарали фойдаланиш ва Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой-коммунал шарт-шароитларини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 2 мартдаги 39-сон қарорининг 6-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясига” сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 23 апрелдаги 100-сон қарори билан тасдиқланган Республиканинг санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бораётган 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларига темир йўл транспортида бепул юриш ва ҳаво транспортида имтиёзли юриш ҳуқуқини бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 августдаги 237-сон қарори билан тасдиқланган Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарлари билан бепул таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 25-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясига” сўзлари билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг “Сурхондарё вилоятида бўш турган давлат мулки объектларидан келгусида янада самарали фойдаланиш, уларга салоҳиятли инвесторларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2016 йил 15 сентябрдаги 300-сон қарорининг 9-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 мартдаги 128-сон қарори билан тасдиқланган Кундузи Тошкент метрополитенидан бепул фойдаланадиган пенсионерлар сонини ҳисобга олиш ва “Ўзбекистон темир йўллари”

акциядорлик жамияти “Тошкент метрополитени” унитар корхонасининг олинмай қоладиган даромадларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандидаги ва илованинг “8-босқич” позициясидаги “Тошкент шаҳар Назорат-тафтиш бошқармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясининг Тошкент шаҳар бошқармаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

23. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 мартдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида мухтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 37-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳудудий бошқармалари” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

24. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 майдаги 299-сон қарори билан тасдиқланган Жойлардаги ижро ҳокимияти органлари раҳбарлари учун хизмат уй-жойларини қуриш, тақсимлаш, фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 10-бандидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

25. Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар базасини кенгайтириш захираларини аниқлаш ишларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 29 июндаги 445-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 йил, 6-сон, 125-модда):

а) 1-илованинг 9-бандидаги “назорат-тафтиш бошқармаси” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекциясининг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 10-бандидаги “молия-тафтиш бошқармасининг” сўзлари “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ҳудудий бошқармаларининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

26. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги тиббиёт ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 20-банди иккинчи хатбошисидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги хузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

27. Вазирлар Маҳкамасининг “Нуфузли халқаро спорт мусобақаларида юксак натижаларга эришган Ўзбекистон спортчилари ва уларнинг тренерларини янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 30 октябрдаги 878-сон қарорида:

а) 1-илованинг 16-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 14-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 3-илованинг 29-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

28. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 майдаги 322-сон қарори билан тасдиқланган Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик йўли билан маънавий, жисмоний ёки мулкый зарар етказган шахсларни марказлаштирилган ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомга 8-илованинг 260-позициясидаги “Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси органлари” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий бошқармалари” сўзлари билан алмаштирилсин.

29. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 371-сон қарори билан тасдиқланган “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида низомнинг 28-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

30. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 июлдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисидаги низомда:

а) 12-банднинг олтинчи хатбошисидagi “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 35-банддаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

31. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 811-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тўғрисидаги низомнинг 19-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош

бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

32. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 ноябрдаги 946-сон қарори билан тасдиқланган Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандидаги “Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати бош бошқармаси” сўзлари “Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси” сўзлари билан алмаштирилсин.

